

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг миқдори 2023 йилда 2020 йилга нисбатан юқори суръатда (2,9 баробарга) ўсган. Бунинг устига, муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси мазкур даврда юқори суръатда (1,4 фоизли пунктга) ошган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг фаолиятидаги кредит рискин баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан кредитларнинг даромадлилиги ва кредит риски даражалари ўртасидаги алоқадорликни баҳолаш аниқлигини ошириш мақсадида 1 сўмлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси, кредитлардан олинган фоизли даромадлар билан брутто кредитларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичи, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи билан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичи, соф фоизли спрэд кўрсаткичи, фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати кўрсаткичи ва кредит портфелининг диверсификация даражаси кўрсаткичларидан иборат бўлган кўрсаткичлар мажмуини шакллантириш керак; иккинчидан, мижозларга бериладиган кредитларнинг чегаравий миқдорини аниқлаш мақсадида бир вақтнинг ўзида молиявий маржа кўрсаткичидан, молиявий мустақиллик кўрсаткичидан ва жорий ликвидлилик кўрсаткичидан фойдаланиш зарур; учинчидан, халқаро рейтинг агентликларининг суверен кредит рейтингига эга бўлган компанияларга хорижий валюталарда берилган кредитлар бўйича кредит рискин баҳолашда “стандартлашган ёндашув”дан фойдаланиш лозим.

КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИ ҚАРЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Турсунова Наргиза Рахимовна
Тошкент молия институти
мустақил изланувчиси

Корпоратив тузилмалар молиявий фаолиятини фақатгина ўзини ўзи молиялаштириш орқали ташкил этиш кескин рақобат муҳотида корпоратив тузилма муваффақиятини ҳар доим ҳам кафолатламайди. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш амалиётига мурожаат қилишга ҳам тўғри келади. Қарз маблағларини жалб қилишдан асосий мақсадлар сифатида фаолиятни кенгайтириш, фаолият билан боғлиқ технологияларни янгилаш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш кабиларни келтиришимиз мумкин. Келтирилаётган жиҳатлар бевосита

корпоратив тузилма фаолиятини ривожлантириш ҳамда фаолият узлуксизлигини таъминлашга қаратилади.

Корпоратив молияни бошқариш корпоратив тузилмаларда пул оқимларини бошқаришга қаратилиб, унда молиявий таъминот жараёнини, инвестицион фаолиятни ҳамда молиявий рискларни бошқариш каби асосий йўналишлар ажратиб кўрсатилади. Шунини қайд этиш керакки, фаолият давомийлиги ва узлуксизлиги корпоратив тузилмалардаги молиявий таъминот ҳолати билан бевосита боғлиқ. Молиявий таъминот аввало фаолиятни бошлаш ҳамда юритиш учун талаб этиладиган молиявий ресурсларнинг жалб этилганлиги билан изоҳланади. Бунда корпоратив тузилма томонидан молиявий муносабатларга киришадиган субъектлар белгилаб олиниши талаб этилади. Зеро, молиявий муносабатлар пул маблағларининг кирими ёки мажбурият туфайли чиқиб кетишини назарда тутлади. Корпоратив тузилмаларни молиялаштириш манбаларини умумий ҳолда мулкдорлар ва корпоратив тузиманинг ўз маблағлари ҳамда маълум шартлар асосида четдан жалб қилинган қарз маблағлари манбаларига ажратиш мақсадга мувофиқ.

Корпоратив тузилмаларни қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш қўйидаги муҳим принциплар асосида ташкил этилади: мақсадлилиқ; таъминланганлик; тўловлилиқ; муддатлилиқ; қайтаришлиқ.

Мақсадлилиқ принципи қарз бериш амалиёти бевосита аниқ мақсад мавжуд бўлган ҳолатдагина амал қилишини назарда тутлади. Чунки кредитор биринчи навбатда маблағ жалб қилиш учун қўйилган мақсаднинг аниқлиги, шаффофлиги масаласига эътибор қаратади. Агарда қўйилаётган мақсад ноаниқ бўлса ёки иқтисодий шароитга жавоб бермаса, аниқ мақсадга эга кредитор бу таклифни рад этади. Бунга сабаб сифатида кредитор корпоратив тузилмага (умуман, ҳар қандай кредит олувчига) қарз маблағи тақдим этишдан манфаатдор эканлигини келтиришимиз мумкин. *Таъминланганлик принципи* кредиторнинг мажбурий шarti сифатида амал қилади. Бунда қарз тақдим этиш жараёнида кредитор кредит рискни камайтириш мақсадида ўз фаолиятини қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирмоқчи бўлган субъектдан маълум бир таъминот (гаров, учинчи шахс кафиллиги ва ҳокозо) талаб қилади. Айнан ша жиҳатга қарз маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг навбатдаги муҳим принципи сифатида қаралади.

Тўловлилиқ принципи қарз маблағи сифатида тақдим этилган маблағлардан фойдаланиш эвазига қарз олувчи томонидан кредиторга аниқ миқдордаги тўлов (фоиз тўловлари)ни тўлаб бориш мажбуриятини назарда тутлади. Қарз маблағлари бўйича фоиз ставкаси пул маблағларининг миқдори ва фойдаланиш муддатига, қарз маблағи тақдим этиш амалиётининг рисклилиқ даражасига ва корпоратив тузиманинг ликвидлилиқ даражасига ва кредитор томонидан қўйиладиган бошқа талабларга боғлиқ ҳолда белгиланади. *Муддатлилиқ принципи* эса қарз

маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг аниқ муддат асосида амал қилишини назарда тутган ҳолда, муддат ниҳоясига етиши билан олинган қарз маблағларининг кредиторга қайтарилиши шартлигини ўзида ифодалайди.

Қайтариш принципи қарздор томонидан олинган асосий қарз суммасини белгиланган муддатда тўлиқ қоплаш мажбуриятини ўзида акс эттиради. Шундан келиб чиққан ҳолда қарз маблағларини қайтариш муддатидан келиб чиққан ҳолда корпоратив тузилмалар томонидан пул оқимларини режалаштириш талаб этилади.

Масалани ўрганиш натижасида умумий тартибда корпоратив тузилмаларни қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш амалиётини икки гуруҳга, кредит институтларидан маблағлар жалб қилиш ҳамда қарз муносабатларини англлатувчи қимматли қоғозлар воситасида молиялаштиришга ажратиш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келдик. Миллий амалиётимизда тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, лизинг компаниялари томонидан корпоратив тузилмалар молиялаштириб келинмоқда. Фонд бозори орқали эса асосан корпоратив облигация муомаласи орқали қарз капитали жалб қилинаётганлигини таъкидлашимиз мумкин.

Корпоратив тузилмалар молиявий таъминотини комплекс ёндашув ёрдамида таҳлил этиш, биринчидан, компания капитали тузилишини ва айланишини таҳлил қилиш имконини берибгина қолмасдан, балки уни тизимли таҳлил этиш имкониятини яратади. Шу билан бирга, компания хусусий капитали ва қарз капитали таркибини баҳолаш билан бирга, компания капитали ҳаракати кўрсаткичларини таҳлили кўриб чиқилади.

Иккинчидан, комплекс ёндашув натижасида компания капиталидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиниб, бу орқали компания хусусий ва қарз капитали айланишини кузатиш билан бирга, унинг хусусий ва қарз капитали рентабеллигини таҳлили амалга оширилади.

Учинчидан, компания капитали таркиби ва тузилишининг молиявий барқарорлигига таъсири ўрганилади ва баҳоланади.

Тўртинчидан, компанияга зарур бўлган қўшимча миқдорда капитални шакллантириш тартиби аниқланади.

Бешинчидан эса, капиталдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ўсиш захиралари ва имкониятларини аниқлаш ҳисобланади. Хусусан, юқоридаги ёндашув орқали компания капиталини бошқариш жараёнини самарали ташкил этиш билан бирга, компания ўз молиявий ресурсларидан оқилona фойдаланган ҳолда молиявий барқарорлигини ҳам таъминлайди.

Фикримизча, капитал билан боғлиқ бўлган жараёнда акциядорлик жамиятлари активлари, қарз капитали ва хусусий капиталини таркибий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида акциядорлик жамиятлари самарадорлик коэффициентларининг юқори даражасини

таъминлаш билан бир қаторда, унинг молиявий барқарорлигини ҳам таъмилайди. Хусусан, буларнинг натижасида эса акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлигини оширишга хизмат қилибгина қолмай, капиталга таъсир эувчи омилларнинг мувозанатини барқарор тарзда ушлаб туриш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6207-сон [Фармони](#).
2. López Salazar, Alejandra and Contreras Soto, Ricardo and Espinosa Mosqueda, Rafael The Impact of Financial Decisions and Strategy on Small Business Competitiveness, *Global Journal of Business Research*, Vol. 6, No. 2, pp. 93-103, 2012. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=1945906>
3. Михель В. С. Определение и выбор финансовой стратегии корпорации // МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2015. № 1(21). С. 112 – 11.
4. Борисова О.В. Методы оценки риска снижения финансовой устойчивости организации // Аудит и финансовый анализ. – 2015 г. № 6. - С.296-304.
5. Бутиков Игорь Леонидович. Основные направления совершенствования государственного регулирования фондового рынка в условиях современного этапа развития экономики Узбекистана. // Иқтисод ва молия. Илмий электрон журнал 2017 й № 9, 17-26 б.

БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Умарова Малика Бахтияровна
ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришининг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази докторанти

Банк тизимини трансформациялаш мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва банк фаолияти самарадорлигини ошириш учун замонавий технологиялар ва рақамли воситалардан фойдаланишни назарда тутди. Бунга банк хизматларидан қулай фойдаланиш учун мобил иловаларни ишлаб чиқиш, масофадан туриб транзакцияларни амалга ошириш учун онлайн-банкнинг жорий этиш, кўпроқ асосли қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш, хавфсизликни яхшилаш ва жараёнларни автоматлаштириш учун блокчейн ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш киради. Рақамли трансформация натижасида банк тизими янада мослашувчан, тезкор ва мижозлар учун қулай бўлиб, банкнинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.